

Туркменистон Афғонистонда масжид қуради



11:51 / 10.11.2018 2001

Туркменистон ўз маблағлари ҳисобидан Фарёб вилоятининг маъмурий маркази Акина қишлоғида 500 кишилик масжид қуриб беради. Бу ҳақда orient.tm нашри хабар берди.

Масжид 2020 йилнинг охирида ишга туширилиши режалаштирилган.

Хабарда айтилишича, 9 ноябрь куни Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов тегишли қарорни ҳукумат мажлисида имзолаган.

Ҳужжат орқали Туркменистоннинг Афғонистондаги консуллиги (Мозори Шариф шаҳри)га «Ghazanfar Construction, Road Work Rail Way Construction Material P.CO» афғон қурилиш компанияси билан масжид қурилишига битим имзолашга рухсат берилган.

Г.Бердимухамедов ҳужжатни имзолар экан, Туркменистон бундан буён қўшни мамлакатга ҳар томонлама ёрдам беришда давом этишини билдирган.

Islom.uz портали таҳририяти